

# ВЕЛОДЕП

«MA'QULLANGAN»

O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi  
Farmatsheviklar tarmoqi'ni rivojlantirish agentligining  
«Dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi  
va standartlar tashkiloti davlat markazi» DUK  
27.10.2022y. №21

## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

### Препаратнинг савдо номи: Велодеп

Дори шакли: инфузия учун эритма

### Таркиби:

Хар 100 мл эритма қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар:	
Сорбитол USP	6,00 г
Натрий лактати USP	1,9 г
Натрий хлориди USP	0,6 г
Кальций хлориди USP	0,01 г
Калий хлориди USP	0,03 г
Магний хлориди USP	0,02 г

*ёрдамчи моддалар:* натрий гидроксиди, натрий метабисульфити, инъекция учун сув.

**Таърифи:** тиник, рангсиз ёки дераги рангсиз эритма.

**Фармакогенетик гуруҳи:** плазма ўрнини босувчи восита.

ATX коди: B05XA31

### Фармакологик хусусиятлари

#### Фармакодинамикаси

Плазма ўрнини босувчи препарат. Реологик шокка қарши, дезинтоксикацион, ишқорловчи таъсир кўрсатади. Асосий фармакологик фаол моддалар сорбитол ва натрий лактати ҳисобланади. Жигарда сорбитол олдин фруктозага айланади, у сўнгра глюкозага, сўнгра эса гликогенга айланади. Сорбитолнинг бир қисми шовишлик энергетик хаттиёлар учун ишлатилади, бошқа қисми эса гликоген қўринишида захиря сифатида қолдирилади. Сорбитолнинг изотоник эритмаси дезагрегант таъсирга эга ва, шундай қилиб, микроциркуляцияни ва тўқималарнинг перфузиясини яхшилайди. Бикарбонат эритмасидан фарқи равишда, натрий лактати ёрдамда метабولىк ацидоз коррекция, рН ни кўрсаткичларида кескин тебранишларини чақирмасдан, уни моддалар алмашинувида секин кириши билан юз беради. Натрий лактатнинг таъсири юборилгандан кейин 20-30 минут ўтган номуён бўлади.

Натрий хлориди – плазма ўрнини босувчи восита, дезинтоксикацион ва регидратацион таъсир кўрсатади. Турли патологик ҳолатларда натрий ва кон ионларнинг танқислигини бартараф қилади. Кальций хлориди кальций ионларнинг танқислигини бартараф қилади. Кальций ионлари нерв импульсларининг ўтказилиш жараёнларини, скелет ва силлик мушакларнинг қисқаришини, миокард фаолиятини, суяк тўқимасининг шаклланишини, коннинг ившини амалга ошириш учун зарур. Хужайралар ва кон-томирлар деворининг ўтказувчанлигини пассивлаштири, ялғинлаш шартлар ривожланишини олдини олади, организмнинг инфекцияларга чидамлилигини оширади ва фагоцитозни анжамияти кучайтириши мумкин.

Калий хлориди сув-электролит балансини тиклайди. Манфий хроно- ва батмотроп таъсир, юқори дозаларда – манфий ино-, дромоторп ва ўртача диуретик таъсир кўрсатади. Нерв импульсларининг ўтказилишида иштирок қилади. Ацетилхолиннинг миқдорини оширади ва вегетатив нерв тизмининг симпатик бўлимининг кўзгаллигини чақиради. Мушак дистрофияси, миастенияда скелет мушакларининг қисқариш жараёнларини яхшилайди.

#### Фармакокинетикаси

Сорбитол тез умумий метабولىзмга киришиб кетади, унинг 80-90% жигарда утилизация қилинади ва гликоген қўринишида тўпланади. 5% миқ тўқималарида, юрак мушакларида ва скелет мушакларида тўпланади. 6-12% сийдик билан чиқарилади.

Натрий лактати кон-томир хавзасига юборилганда натрий бикарбонати ҳосил қилиб, қарбон икки оксиди ва сув билан ўзара таъсирга киришида, бу коннинг ишқорий захирасини ошишига олиб келади. Юборилган натрий лактатининг фақат ярми фаол ҳисобланади (L изомер), бошқа ярми эса (D изомер) метабولىзмга учрамайди ва сийдик билан чиқарилади.

Натрий хлориди айланаётган кон хажминини (АҚХ) фақат вақтинчалик ошириб, кон-томир хавзасидан тез чиқарилади. Диурезни оширади.

#### Қўлланилиши

- ўткир кон йўқотиш, қуйиш касаллигида, операциядан кейинги, гемолитик, токсик ва қуйиш шокини олдини олиш ва даволаш максалди қапиллар кон оқимини яхшилаш учун;

- интоксикация, сурункали гепатитни зўрайиши билан бирга кечувчи инфекция касалликлар;

- сепсис;

- операция олдин тайёрлаш учун ва операциядан кейинги даврда;

- тромбозлар, тромбоблебитлар, эндартеритларни олдини олиш ва даволаш максалдида артериал ва веноз кон айлинишини яхшилаш учун;

- Рейно касаллигида қўлланилади.

#### Қўлланиш усули ва дозалари

Вена ичига оқим билан ёки томчилаб юборилади. Катталарга вена ичига минутага 40-60 томчи тезликда юборилади. Зарураги бўлганда минутага 30 томчи тезликда томчилаб юбориш йўли билан синама ўтказилгандан кейин, препаратни оқим билан юборишига йўл қўйилади.

15 томчи юборилгандан кейин препаратнинг инфузияси тўхтатилади, 3 минут ўтган эса, реакция кузатилмаганда, Велодеп оқим билан юборилади.

*Сурункали гепатитларда* – 400 мл дан (тана вазнига 6-7 мл/кг) томчилаб, такрорий юборилади.

*Кон томирларни тромбоблитерацияланувчи касалликларида* – тана *Кон томирларни тромбоблитерацияланувчи касалликларида* – тана

вазнига 8-10 мл/кг ҳисобидан, томчилаб, такрорий, кун ора юборилади, даволаш курси 10 инфузиягача.

*Операциядан кейинги даврда* ва *турли хирургик араслашулардан кейин* – 400 мл дозада (тана вазнига 6-7 мл/кг) томчилаб, бир марта ёки такрорий, хар кун, 3-5 кон давомида юборилади.

*Ўткир кон йўқотишида* – 1500-1800 мл дан (тана вазнига 25 мл/кг гача) юборилади. Бундай ҳолда Велодепнинг инфузиясини махсус тез ёрдам машинасида, касалхонага ётқиришгача бўлган босқичда ўтқириш тавсия этилади.

*Травматик, қуйиш, операциядан кейинги ва гемолитик шокда* – 600-1000 мл дан (тана вазнига 10-15 мл/кг) бир марта ва такрорий, олдин оқим билан, сўнгра томчилаб юборилади.

*6 ёшгача бўлган болаларга* препаратни тана вазнига 10 мл/кг доза ҳисобидан юбориш тавсия этилади, *6 дан 12 ёшгача болаларга* – катталар учун дозанинг ярмини ташкил қилувчи дозада юборилади. *12 ёшдан катта болаларга* – катталардаги каби дозада юборилади.

#### Ноқўй таъсирлари

Алкалоз кўринишлари, аллергия реакциялар (терид тошмалар, кичиниш) пайдо бўлиши мумкин.

#### Қўлланиш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- алкалоз;
- катта ҳажмдаги суякциклари қуйиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (мияга қон қуйилиши, тромбозболия, юрак-томир декомпенсацияси, III даражали артериал гипертензия);
- препаратнинг компонентларига юқори сезувчанликда қўлланиш мумкин эмас.

Жигар функциясининг бузилиши, меъда-ичак яра касаллиги, геморагик колити бўлган беморларга препаратни **эҳтиёткорлик билан** буюриш керак.

#### Жигар функциясини бузилишларида қўлланиш

Жигар функциясининг бузилиши бўлган беморларга препаратни **эҳтиёткорлик билан** қўлланиш керак.

#### Дориларнинг ўзаро таъсири

Велодепни фосфат - ва карбонатларни сакловчи эритмалар билан аралаштириш мумкин эмас.

Бошқа дори препаратлари учун ташувчи-эритма сифатида қўлланиш мумкин эмас.

#### Махсус кўрсатмалар

Препарат кислота-ишқор ҳолатининг ва коннинг электролитлари, шунингдек жигарнинг функционал ҳолатининг кўрсаткичларини назорати остида қўлланилади.

Калькулез ҳолатининг бўлган беморларда эҳтиёткорлик билан қўлланилади.

#### Ҳомилдорлик ва лактация даврида қўлланилиши

Ҳомил препаратни ҳомилдорлик ва эмизиш даврида қўлланиш буйича маълумотлар мавжуд эмас.

#### Болаларда қўлланиши

6 ёшгача бўлган болаларга препаратни тана вазнига 10 мл/кг доза ҳисобидан юбориш тавсия этилади; 6 дан 12 ёшгача болаларга – катталар учун дозанинг ярмини ташкил қилувчи дозада юборилади. 12 ёшдан ошган болаларга – катталардаги каби дозада юборилади.

#### Дозани ошириб юборилиши

*Симптомлари:* алкалоз кўринишлари пайдо бўлади, улар препаратни юбориш дарҳол тўхтатилаган шароитда тез мустақил ўтиб кетади.

#### Чикарилиш шакли

200 мл инфузия учун эритма USP II турлидаги тиник флаконда, резина копкиоли.

1 флакон давлат ва рус тилларида тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамга жойлаштирилади.

#### Сақлаш шартлари

25°С дан юқори бўлмаган ҳароратда куруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Музлатилмасин.

#### Йрқилик муддати

3 йил.

Йрқилик муддати ўтган ишлатилмасин.

#### Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт буйича.

#### Савдо маркаси ва рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси эгаси

Vegapharm Life Sciences Pvt. Ltd., Ҳиндистон



#### Ишлаб чиқарувчи

Aishwarya Healthcare

Vill. Thana, Baddi,

Nalagarh, Distt. Solan (H.P.), Ҳиндистон

Vegapharm

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рақамли маркировка тизими буйича маъсۇл бўлган, шунингдек, дори воситаларининг сифати буйича эътирозлар (тақлифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:

«Ameliya Pharm Service» МЧЖ,

100185, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Серкеш 3.

Тел.: +998 78 150 50 81, +99878 150 50 82

E-mail: uzdrugsafety@evoleet.co.uk